


ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БУЮК БРИТАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 февраль куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Буюк Британиянинг Марказий Осиё ва Озарбайжон бўйича савдо вакили лорд Жон Олдердайсни қабул қилди.



Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий соҳада янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сиёсий мулоқот жадал ривожланаётгани, барча даражаларда алмашинувлар фаол давом этаётгани таъкидланди. Хавфсизлик соҳасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Кейинги 5 йилда товар айирбошлаш 2 баравар ошди. Лондон фонд биржасида Ўзбекистоннинг 15 миллиард доллардан ортиқ қийматдаги суверен ва корпоратив облигациялари жойлаштирилди. Ўтган йили Қўшма иқтисодий қўмита механизми ишга тушди.

Британиялик ҳамкорлар билан биргаликда Президент мактаблари ташкил этилди ва учта қўшма университет муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўзбекистонга ташриф буюраётган британиялик сайёҳларнинг сони ортиб бормоқда.

Сўхбат давомида энергетика, молия, геология, транспорт, кимё, фармацевтика, фан ва таълим соҳаларида янги лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, минтақавий ва глобал аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қўшма “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президентини Дональд Трампнинг таклифига биноан 17 — 19 февраль кунлари Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Кенгашнинг биринчи саммити АҚШ Тинчлик институтида бўлиб ўтади ҳамда Ҳазо секторини тиклаш, унга гуманитар ёрдам кўрсатиш, ушбу минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига бағишланади.

Ўзбекистон етакчиси ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида Американинг етакчи компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари иштирокидаги стратегик лойиҳалар тақдироти ҳамда иқтисодий соҳага оид икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросимида иштирок этиши ҳам кўзда тутилган.

Эслатиб ўтамиз, Тинчлик кенгаши АҚШ Президенти Дональд Трампнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Ўзбекистон жорий йил январь ойида Швейцариянинг Давос шаҳрида унга таъсисчи давлат сифатида қўшилди.

Ў.А.

Биз ва жаҳон

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Мунтазамлик касб этган Ўзбекистон — АҚШ сиёсий алоқалари иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштиришга ҳизмат қилмоқда.

Хусусан, АҚШда яшаётган ўзбек диаспораси ўзининг иқтисодий иштирокини мустаҳкамламоқда, миллий аъёналарни сақлайдиган, Ватанидаги ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлайдиган ва халқимизнинг бой маданий меросини тарғиб этиш орқали икки мамлакат ўртасидаги ўзаро тушунишни яхшилашга ҳисса қўшадиган лойиҳаларни амалга оширмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлатлар ўртасидаги бўлажак расмий учрашувлар учун ижобий контекстни шакллантиради.

АҚШда ўзбек диаспорасининг фаол иштирокига янги миллий савдо марказининг очилиши мисол бўла олади. Американинг Пенсильвания штатидаги Филадельфия шаҳрида “Asr” ўзбек супермаркетининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу лойиҳа Филадельфиядаги ўзбек диаспораси вакиллари томонидан амалга оширилди. Тантанали тадбирда ўзбек жамоатчилиги билан бир қаторда турк, фаластин, афгон, рус ва украин диаспоралари вакиллари ҳам қатнашди.

“Asr” супермаркетининг очилиши Нью-Йоркда фаолият юритаётган “Tashkent” ўзбек супермаркетлар тармоғи сингари АҚШдаги миллий савдо инфратузилмасининг муҳим бўлагига айланди. Филадельфиядаги янги марказ кенг турдаги маҳсулотларни, жумладан, Ўзбекистондан импорт қилинган товарларни тақлиф этмоқда.



Муносабат

МЕҲР-МУРУВВАТ, АҲИЛЛИК ВА ШУКРОНАЛИК ОЙИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга салавоту саломлар бўлсин!

Ўлкамизга бутун мусулмон уммати учун файзли айём — Рамазон ойи кириб келмоқда. Аллоҳ таоло ушбу улғў ойнинг ҳаммамиз учун қўт-баракали, раҳмат ва мағфиратга тўла бўлишини насиб этсин. Уни иймон-этиқод ила савоб умидида ўтказишга муваффақ айласин.

Рамазон — Қуръони карим нозил бўлган, инсон қалбини поклайдиган, нафсини жиловлайдиган ва гўзал фазилатларни намоён этадиган ой. Бу айда кишилар нафақат рўза тутади, балки маънан юксалади, меҳроқибат ва ўзаро ҳамжиҳатликни намоён этади.

Рамазон шариф мўмин-мусулмонларни икки дунё саодатига етакловчи фурсат. Бу муборак ойнинг ҳар бир лаҳзасини ғанимат билиб, солиҳ амаллар, тоат-ибодат ва яхшиликлар ила ўтказишимиз лозим. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Имом Байҳақидан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: **“У (Рамазон) мўмин учун ғаниматдир”**, деб қутлуг ойдан унумли фойдаланишга чақирганлар.



ИПАКЧИЛИК СОҲАСИ ЯНГИ ТИЗИМ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ипакчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдирот билан танишди.

Мамлакатимизда ипакчилик ва пиллачилик аҳолини даромадли иш билан таъминлаш, кишлоқ жойларда бандликни ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтиришда муҳим ўрин тутди. Лекин озуқа базасидан бошлаб пиллани чуқур қайта ишлашгача бўлган барча жараёнларда тўпланиб қолган муаммолар соҳа салоҳиятини тўлиқ ишга солишга тўсқинлик қилмоқда.

Хусусан, ипак қурти уруғининг салмоқли қисми импорт ҳисобига тўғри келмоқда. Маҳаллий уруғдан фойдаланиш даражасини 2030 йилгача 75 фоизга етказиш имкони борлиги, бунинг учун наслии уруғчилик станциялари фаолиятини тиклаш зарурлиги қайд этилди.

Тақдиротда Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги наслии уруғчилик станцияларида элита уруғлар тайёрлашни йўлга қўйиш, мавжуд 10 та ипак қурти уруғчилик корхонасига қўшимча жорий йилда Бухоро ва Наманганда 2 та янги уруғчилик корхонасини, 2027 — 2029 йилларда Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 4 та янги корхона ташкил этиш режалари ҳақида ахборот берилди.

Наслчилик ва уруғчилик корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга хорижий малакали мутахассисларни жалб қилиш, мавсумий ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатиининг ярмини қўллаб бе-

риш ҳамда уларнинг фаолиятини даромад ва ижтимоий солиқ объекти сифатида ҳисобламаслик тақлиф этилди.

Пилла сифатини ошириш учун озуқа базасини яхшилаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Озуқа базасини 2026 — 2030 йилларда босқичма-босқич кенгайтириш режалаштирилган. Жумладан, 8 минг гектарда янги тутзорлар барпо қилиш, 41,5 минг гектар майдонда яқка қатор тут қўчатларини экиш, 15 минг гектардаги тутзорларни реконструкция қилиш назарда тутилган. Бунинг натижасида 2030 йилга қадар 200 миллионга тут қўчати экилиши ва озуқа базаси 30 фоизга ошиши кутилмоқда.

Пилла етиштириш ҳажми озуқа базасини таҳлил қилиш асосида прогнозлаштирилади. Хусусан, 2026 йилда 30 минг тонна, 2030 йилга бориб 36 минг тонна пилла етиштиришга чиқиш режа қилинмоқда.

Соҳадаги ишлар янги тизим асосида ташкил этилади. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси, вилоят ва туман “Агропилла” тузилмалари, ипакчилик кластерлари ўзаро мувофиқлашган тарзда иш юритиб, янги тутзорларни ташкил этишдан тортиб, етиштирилган пиллани сотиб олишгача бўлган барча босқичларда фермерлар, касаначилар ва қурт боқувчилар ишини ташкил этади ҳамда уларга қўмаклашади.

Кам даромадли, ижтимоий реестрга киритилган оилаларни пиллачиликка жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, жорий йилдан бошлаб “маҳалла еттичилиги” орқали аҳолига 1 килограмм пилла қийматининг 35 фоизи миқдорида субсидия, парваришлаш жиҳозлари ва ускуналар харидига 20 миллион сўмгача ссуда ажратиш йўлга қўйилди.

Пиллачиликда саноат усулини кенгайтириш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Ҳозирда пилланинг асосий қисми хонадон шароитида етиштирилаётгани қайд этилар экан, махсус қуртхоналар ташкил этиш орқали ҳажм ва сифат барқарорлигини таъминлаш мумкинлиги таъкидланди. Кластерлар томонидан қуртхоналарни қуриш ва ишга туширишни рағбатлантириш, шу жумладан, қуртхоналарни ер ва мол-мулк солиғидан 2029 йил 1 январга қадар озод қилиш тақлиф қилинди.

Экспорт ва қўшилган қийматни ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Айни пайтда маҳаллий пилладан юқори сифатли хом ипак олиш ва уни қайта ишлаш улуши пастлигича қолаётгани қайд этилди. Сифатни ошириш ва чуқур қайта ишлашни кенгайтириш ҳисобига экспорт тушумларини 250 миллион долларгача ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Ў.А.

МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Хорватия парламентининг Конституция, регламент ва сиёсий тизим қўмитаси раиси Иван Маленица билан учрашди.

Мулоқот

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Хорватия ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама марказида бўлди. Жумладан, томонлар қонунчилик фаолияти, парламентлараро мулоқотни, қўмиталар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, делегациялар алмашинувини фаоллаштириш

масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, фармацевтика, тиббий технологиялар, саноат ускуналари, тўқимачилик, агро қайта ишлаш ҳамда транспорт-логистика соҳаларида қўшма лойиҳаларни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор қатор масалалар, жумладан, рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини ошириш, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Рақамли маркировкалаш тизими ва очиклик кафолати

Дастлаб депутатлар рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган

қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилди.

Унда масофавий солиқ текшируви жараёнларини тезкор ташкил этиш, солиқ тўловчи хузурига бормасдан назорат тадбирларини амалга ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектла-





МУЛОҚОТЛАР ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзамхўжаев Швеция Ташқи ишлар вазирлиги Евро-Атлантика ва хавфсизлик сиёсати департаменти бош директори Торбьёрн Сольстрём билан учрашди.

Учрашув

Унда Ўзбекистон — Швеция муносабатларининг бугунги ҳолати ва истикболлари, жумладан, парламентлараро мулоқотни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, парламент қўмиталари ўртасида тажриба алмашиш, қўшма тadbирлар ва учрашувлар ташкил этиш орқали қонун ижодкорлиги соҳасида ҳамкорликини чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Семинар

ДЕМОГРАФИК БАРҚАРОРЛИК БЎЙИЧА ТРЕНИНГ

Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ҳамда Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Ёшлар парламенти аъзолари учун онлайн шаклда UNFPAнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида демографик барқарорлик масалалари юзасидан семинар-тренинг ўтказилди.

Унда Ёшлар парламенти аъзолари аҳолининг барқарор ривожланиши, демографик ўсиш ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги энг яхши халқаро тажриба билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Тренинг иштирокчилари муаммоларни таҳлил қилиш, ечимлар ишлаб чиқиш ва амалий тавсияларни муҳокама этиш бўйича машғулотларда фаол қатнашди.

ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ

Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида БМТнинг “Ўзбекистонда ёшлар ва болалар учун қулай маҳаллий бошқарувнинг инклюзив трансформацияси” лойиҳаси доирасида маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари ва Ёшлар маслаҳат гуруҳлари аъзолари учун икки кунлик ўқув семинари уюштирилди.

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова ўз сўзида йигит-қизларни қарор қабул қилиш жараёнидаги фаол жалб этиш, маҳаллий бошқарувда уларнинг фикр ва ташаббусларини инобатга олиш ҳамда ёшлар масалалари механизмида ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Тренинг қатнашчилари

ёшлар ва болалар иштирокини таъминлаш бўйича халқаро ҳамда миллий тажриба билан танишди. Шунингдек, бюджет жараёнига оид амалий машғулотлар ўтказилиб, ҳудудларда ёшлар иштирокини кенгайтиришга қаратилган аниқ тақлиф ва ташаббусларни ишлаб чиқди. Келгуси 6 ойга мўлжалланган ҳаракатлар режаси ҳам шакллантирилди.

«Халқ сўзи».

БОЛА ҲИМОЯСИ БОРАСИДА ҚАТЪИЙ ҚАДАМ

Педофилия — болаларнинг жисмоний, руҳий ҳамда ижтимоий ривожланишига оғир ва тиклаб бўлмаас зарар etkazувчи жиноят тури. Болаликда содир этилган бундай зўравонлик нафақат жабрланувчининг шахсий ҳаётига, балки бутун жамият барқарорлигига узоқ муддатли салбий таъсир кўрсатиши аниқ. Чунки жабрланган бола таълимда орқада қолади, ижтимоий муҳитга мослаша олмайди ва руҳий жараҳатдан азобланади. Тадқиқотларда айтилишича, болаларга нисбатан қилинган жиноятларнинг оқибатлари келажакда ижтимоий оғишларга олиб келади, яъни бу муаммо авлодлараро салбий занжирни ҳам юзага келтиради.

Мулоҳаза

Шунингдек, болалар хавфсизлигига таҳдид жамиятнинг ахлоқий иммунитетини суъайтириб, ота-она ишончи ва ижтимоий капиталга салбий таъсир кўрсатиши билан хавфлидир. Шу нуктаи назардан, педофилияга қарши кураш фақат жазолаш эмас, балки миллий хавфсизлик ва инсон капитали ҳимояси масаласи ҳисобланади.

Болаларга нисбатан бундай ҳаракатлар аксар мамлакатларда ўта оғир жиноят сифатида малакаланиб, жазо ҳам шунга яраша бўлади. Мисол учун, Европа давлатларида педофилия учун жазо қатъий ва реабилитация механизмилари мавжуд. Хусусан, Германия, Франция, Нидерландия ва Польшада 10 йилдан 30 йилгача қамоқ ёки оғир ҳолатларда умрбод қамоқ белгиланган.

Шарқий Осиё давлатлари, жумладан, Хитойда бундай жиноятни содир этган шахслар 10 йилдан умрбодгача,

айрим ҳолатларда ўлим, Японияда 5 — 20 йил, оғир ҳолатларда умрбод қамоқ, Жанубий Кореяда умрбод қамоқ, қўшимча электрон назорат каби жазоларга ҳукм қилинади. Ёки қўшни давлатлар — Қозғистон ва Қирғизистонда 10 — 20 йилгача қамоқ ёки қимёвий кастрация жазолари қўлланилади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк йилларида-ноқ, яъни 1992 йил 9 декабрда БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясига қўшилган ва шу орқали халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун бола ҳуқуқларининг кафолатлари йўналишидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутди.

2024 йил 14 ноябрда “Болаларни зўравонлигининг барча шаклларида ҳимоя қилиш

тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу болаларни зўравонликдан ҳимоялаш, уларнинг шахсий дахлсизлиги, эркинлиги ва шаънининг муҳофаза этилиши борасида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлди. Мазкур қонунда болаларни таълим ва давлат муассасаларида, оилада ҳамда бошқа жойларда зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича аниқ талаб ва механизмлар назарда тутилган. Шунингдек, мазкур қонунда болаларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий зўравонлик каби тушунчаларга аниқ таърифлар бериб ўтилди.

Эндиликка боланинг ҳаёти, соғлиги, жинсий дахлсизлиги, шаъни ва кадр-қиммати ҳамда қонун билан ҳимоя этиладиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига таъовуз қилинадиган, жисмоний ёки руҳий азоб etkazаётган ёки etkazиб қолган, ҳуқуқий маданиятни ошириш, профилактика ва жамоатчилик назорати ҳам муҳим. Халқаро стандартлар билан ҳамоҳанг бу қадам жамиятнинг ахлоқий иммунитетини мустаҳкамлаб, ҳар бир боланинг хавфсиз ва дахлсиз ҳаёт кечириш ҳуқуқини кафолатлайди.

Жамила БОБОНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

Келажакдаги эгаларига нисбатан бундай жиноятларнинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз томонидан



ёрдам кўрсатилиши, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг даволаниш харажатлари қоплаб берилиши катта амалий аҳамиятга эга. Ёрдамлар ҳар бир маҳаллада аниқ ва шаффоф рўйхат асосида, барчага тенг ва адолатли тарзда etkazилишининг белгилангани эса ижтимоий адолат таъминлашнинг асосий шартидир.

Алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлардан яна бири — ёшлар ва хотин-қизларни турли бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш масаласи. Муаммони фақат жазо чораларигина эмас, балки маънавий-маърифий ишлар, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бандлиқни таъминлаш орқали ҳал этиш ёндашуви тўғрисида узоқ муддатли натижа берадиган йўл ҳисобланади.

Ёрдамлари фуқароларнинг дини, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, адолатли ва шаффоф тарзда etkazиш талаби жамиятда тенглик ҳамда ишонч муҳитини мустаҳкамлайди.

Рамазон ойида амалга ошириладиган бундай кенг қамровли чора-тадбирлар жамиятда меҳр-оқибат, бирдамлик ва ижтимоий адолат таъминлашнинг янада кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Аксавли ТУМИШОВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Халқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон — Хорватия: КЕЛИШУВЛАР ИЖРОСИ — АМАЛДА

Хорватия парламентининг Конституция, регламент ва сиёсий тизим қўмитаси раиси И. Маленица бошчилигидаги делегация мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам бўлди.

Учрашувда меҳмон томонига Президентимиз раҳбарлигида сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

И. Маленица самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тарихий ислохотларнинг юқори баҳолади.

Шунингдек, у Ўзбекистонни Хорватия учун Марказий Осиёдаги асосий ва устувор ҳамкор сифатида эътироф этиб, икки давлат ўртасида узоқ муддатли, барқарор муносабатлар шаклланганини таъкидлади. Парламент дипломатияси сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, амалий ташаббусларни илгари сурив ва ўзаро ишонч мустаҳкамлашда муҳим восита экани қайд этилди.

Делегация раҳбари инвестиция соҳасида ҳам Ўзбекистон муҳимлигини таъкидлаб, туризм, қайта тикланувчи энергия манбалари, фармацевтика, таълим, кишлоқ ҳўжалиги ва ахборот технология йўналишларида ҳамкорлиқни кенгайтиришга қизиқиш билдирди.

Меҳнат миграцияси ҳамда туризм соҳасини ривожлантириш, икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида 2026 йилда Хорватиянинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонаси ҳамда фахрий консулхонасини очиб бўйича ташкилий ишлар якунига етиб қолгани ургуланди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Хорватия ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Халқ дипломатияси икки томонлама муносабатларнинг барқарор таянчи сифатида алоҳида ўрин тутиши, парламентарийлар олий даражадаги келишувлар ижросига ҳар томонлама қўмаклашиши, халқаро алоқаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланишига ҳисса

қўшишлари муҳимлиги таъкидланди.

Олий Мажлисда Хорватия парламенти билан ҳамкорлик бўйича дўстлик гуруҳи тузилиши икки давлат ўртасидаги парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани тилга олинди.

Хорватия парламенти вакилларининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Олий Мажлиснинг Хорватия Республикаси парламенти билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Хорватия ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва тенг ҳуқуқли шериклик таъминлаш асосида янги босқичга чиқаётгани, айниқса, парламентлараро ҳамкорлик ривожланиши борасида қайд этилди.

И. Маленица кейинги йилларда икки мамлакат муносабатлари анча фаоллашгани, хусусан, минтақавий ва халқаро доирадаги ҳамкорлик изчил ривожланаётгани алоҳида эътироф этди. Парламентлараро алоқаларнинг йўлга қўйилиши мазкур муносабатлар ҳар томонлама тараққий топишига замин яратилиши таъкидланди.

Меҳмон Ўзбекистонда барча соҳада олиб борилаётган демократик ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва унинг натижаларидан хабардорлигини қайд этиб, бу ўзгаришлар мамлакатни қисқа йилларда дунёнинг иқтисоди ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқишига ишонч билдирди.

Мулоқотда парламентлараро ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, жумладан, дўстлик гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш ҳамда ўзаро ташрифлар алмашинувини давом эттириш зарурлиги айтилди.

Учрашувда олий ва юқори даражада эришилган келишувларнинг ижросини таъминлашда парламент иштирокини кучайтириш, дўстлик гуруҳларининг мунтазам мулоқоти доирасида икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг кун тартибидан ўрин олган қатор масалалар юзасидан тизимли ҳамкорлик олиб боришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ИЖТимоий-ИҚТисодий МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ НЕГИЗИ

Солиқ маъмурчилигида кўп ҳолатларда интернет узлиши, маълумотлар интеграцияси кечикиши ва бошқа техник хатолар сабабли бундай вазиятлар юзага келиши, тадбиркор қасддан солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг мақсад қилмаганини ҳисобга олиб лойиҳа билан профилактика нуктаи назаридан янги текширув турини жорий этиш тақлиф қилинмоқда.

Ушбу солиқ текширувида ҳуқуқбузарлик ахборот тизимлари орқали аниқланганда дастлаб икки марта огоҳлантириш берилади. Бундан қўзланган маъсад — тадбиркорни жазолаш эмас, балки тизим талабларига мос ишлаш маданиятини шакллантириш. Маркировкалаш тизими янги ва техник жиҳатдан мураккаб жараён эканини инобатга олиб, тадбиркорлар қўниқлиши учун вақт ва имконият берилиши ҳам лойиҳада кўзда тутилмоқда.

Муҳокамада депутатлар томонидан мазкур ташаббус рақамли маркировкалаш қондаларини четлаб ўтиш орқали ноқонуний маҳсулот айланмасига қарши курашиш, сифатсиз ёки қалбаки товарларнинг бозорга кириб келишини барвақт аниқлаш ва чеклашга ҳам хизмат қилиши таъкидланди. Бу эса фуқароларнинг соғлигини ҳимоялаш, инсофли солиқ тўловчилар учун соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиши ҳам

халқ вакиллари томонидан эътироф этилди.

Мажлисда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар билдирган тақлиф ва тавсиялар ишчи гуруҳ ҳамда қўмита аъзолари иштрокида батафсил кўриб чиқилгани, лойиҳа нормаларининг мазмунини аниқлаштирилиши ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлаштирилгани таъкидланди.

Мажлисда масофавий солиқ текшируви билан боғлиқ норма қизгин муҳокама қилиб бўлди. Унинг аҳамият-ли жиҳатлари алоҳида ургуланди.

Отабек МУСУРМОНОВ, Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини ошириш ҳамда то-варларни (маҳсулотларни) мажбурий рақамли маркировкалаш қондаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида масофавий солиқ текшируви турини жорий қилишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятли. Лойиҳада бундай текширувни ташкил этиш, унинг натижалари бўйича қарор қабул қилиш тарти-



би ва ҳуқуқий хусусиятлари аниқ белгиланмоқда.

Энг муҳими, маркировкалаш қондалари бузилиши масофадан аниқланганда солиқ тўловчига дарҳол жазо қўллаш эмас, балки аввал икки марта огоҳлантириш бериш орқали профилактика чораси қўриш назарда тутилмоқда. Бу ёндашув тадбиркорга камчиликларни бартараф этиш ва фаолиятини қонунчилик талабларига мослаштириш имконини беради.

Ҳозирги амалдаги тартибга кўра, масалан, солиқ тўловчининг охириги ҳисобот чорагидаги соф тушуми 800 млн. сўм бўлса, қондабузарлик учун биринчи ҳолатнинг ўзида 2 фоиз — 16 млн сўм, такрорий ҳолатда эса 20 фоиз — 160 млн. сўм жарима қўлла-нади. Яъни тадбиркор қисқа вақт ичи-да жами 176 млн. сўм молиявий юкка дуч келади.

Янги тартиб эса босқичма-босқич жавобгарлиқни назарда тутди. Икки марта огоҳлантиришлардан кейин жарима миқдори 0,2 фоиздан бошланиб, 0,4 фоиз, 1 фоиз ва 2 фоизгача оши-рилади. Шу ҳолатда ҳам 800 млн. сўм соф тушум мисолида жами жарима 28,8 млн. сўмни ташкил этади. Демак, янги ёндашув тадбиркорни дарҳол “оғир” жазога тушириб қўймайди, балки қонунбузилишини бартараф этишга рағбатлантиради.

